

ҲАЛИМА АҲМЕДОВА ЭРТАКЛАРИ

Зумрад Машарипова

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти

ARTICLE INFO.

Ключевые слова:

Эртак, дунёқараш, қисса, “Тийрамоҳ”, “Афсун”, “Умид сояси”.

Аннотация

Ҳалима Аҳмедованинг “Кўзимнинг тили”, “Тунги марваридгуллар”, “Эрк даричаси”, “Тийрамоҳ”, “Афсун”, “Умид сояси”, “Шафак ибодати”, “Нигоҳ қибласи”, “Яшил” номли китоблари чоп этилган. Бадиий матн сифатининг юксаклиги, ташбеҳларнинг кўпқаватлилиги, туйгуларнинг ҳассослиги жиҳатидан бетакрорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Эртак – инсоният болалигининг мангу ҳамроҳи. Эртак гўдакнинг тасаввур дунёсини бойитади, хаёлини кенгайтиради, дунёқарашини шакллантиради. Халқнинг сеҳрли бадиий тафаккури эртакларда яшайди. Қадимга туркий тилларда “эртак”/”эртаки” лексемасини “энг қадимги ҳикоялар”, “ўтмиш афсоналари”, “аввалги уйдирма ҳикоялар”, “қисса”, “эртак” ва “кўҳна замон баҳодирлари ҳақида дoston” маъноларида ишлатиб келинган.¹

Шоир-ёзувчиларнинг камол топишида эртаклар маънавий пойдевор бўлган. Севимли шоиримиз Ҳамид Олимжоннинг қуйидаги мафтункор сатрлари мактабданок юрагимизга жойланган.

Болалик кунларимда,
Уйқусиз тунларимда
Кўп эртак эшитгандим,
Сўзлаб берарди бувим.
Эсимда ўша дамлар,
Ўзи учар гиламлар,
Тоҳир-Зухра, Ёрилтош,

¹ “Ўзбек халқ ижоди ёдгорлиги” китобида Маматкул Ҳазраткуловнинг сўзбоши мақоласи, Ғ. Ғулом номидаги НМИУ, Тошкент, 2020 й, 7-бет.

Ойни уялтирган қош²...

Ҳозирги замон жаҳон адабиёти сиймоларидан бири Габриэл Гарсиа Маркес болалигида “Минг бир кеча” эртакларининг титилиб кетган варақларини етўладаги сандикдан топиб ўқигани ва бу мутолла унда ёзувчилик қобилияти шаклланишида муҳим омил бўлгани ҳақида ёзади.

Ана шундай эртаклар таъсирида улғайган чинакам ижодкор кейинчалик ўз эртакларини яратади ва ўқувчилар оммаси муҳаббатига сазовар бўлади. Аввало, шуни таъкидлаш керакки, шеърият тили эртаклар билан бир хил. Масалан, эртакларда жонсиз нарсалар жонли қилиб тасвирланади, улар гапиради, кулади, йиғлайди, ҳатто севади. Дарахтлар елиб югуради, тоғлар чопади. Шеъриятда ҳам шундай.

Ҳалима Аҳмедова ўз янги эртакларини яратган шоира. Мана бир мисол:

Неча кунки тинмайди ёмғир,
 Кўз очишга қўймай тупроқни.
 Туйғуларин лойқалатади
 Энг зўр шоир – шаффоф булоқни.
 Дарахтларнинг кўнгли шикаста:
 “Бас қилсанг-чи, бас!” – дея инграр.
 Булутларнинг майини ичиб,
 Ёғаверар бу маст ёмғирлар.
 Карахт қилиб ёғар ёмғирлар
 Ҳаёт томирида хунларни.
 Шафқат билмас ўғай отадек
 Савалайди бебош кунларни³.

Шоира ёмғир тимсолини жонли одамдай тасвирлаган. Сўз ўз маъносидан бошқа кўчма маънода ифодаланса, у истиора дейилади. Рус тилида метафора деб аталадиган ушбу бадий восита шеърият учун ноёб ва бетакрор зийнат ҳисобланади. Ёмғир ҳамманинг жонига тегиб кетган золим одамга ўхшатиш. Тупроқни кўз очишга қўймади, дарахтларга озор беради, булутларнинг майини ичиб маст бўлиб, қилғилиғини бас қилмайди, унинг зулмидан ҳаёт томиридаги қонлар карахт бўлади. Шеър якунида ёмғир золим ва бешафқат ўғай отага ўхшатилади. Шу ўринда китобда “*Шафқат билмас ўғай отадек*” сатри хато ёзилганини таъкидлаш керак. Ушбу сатрда мантиқ йўқ. Бу шубҳасиз, нашриёт хатоси бўлиши мумкин. Аслида бу сатр “*Шафқат билмас ўғай отадек*” деб тўғри ёзилиши зарур. Хуллас, эртакларда ўғай ота, ўғай оналарнинг зулми ва шафқатсизлиги кўп тасвирланган. Ҳалима Аҳмедова ёмғирни бешафқат ўғай отага ўхшатган. Бу бетакрор ўхшатиш.

Бошқа бир шеърда эса, ёмғир чилдиримачи образида тасвирланади:

Атир сепиб чиққан танноз боғларнинг
 Димоғим тўлдиранар муаттар бўйи.
 Ёмғирлар чилдирма чалар гўёки,
 Бошланар замину осмоннинг тўйи⁴.

² Ҳамид Олимжон, “Танланган асарлар”, “SHARQ” НМАК, Тошкент, 2019, 152-бет.

³ Ҳ. Аҳмедова, “Шафқат ибодати”, Тошкент, “Академнашр”, 2011 йил, 52-53-бетлар.

Табиат манзариси инсон ҳаётидаги воқеаларга ўхшатилиши Маҳмуд Кошғарий бобомизнинг “Девони луғотит турк” номли ноёб адабий ёдгорлигидаги халқ қўшиқларини эсга солади. Унда тасвирланишича, қиш билан баҳор қўшин тортиб, жанг қилишади, бир-бирига ўқ-ёй ўқталишади ва ниҳоят бу жангда баҳор қиш устидан ғалаба қозонади. Бу бадиий тасвирлар ҳам аслида қиш ва баҳор ҳақидаги бир эртак. Ҳалима Аҳмедованинг баҳор ҳақидаги эртагида:

Ялпизнинг мастона хаёли билан
Қулоғимни ўпар сув таронаси
Ва сочим тарайди тонг тароғида
Шаббода – гулларнинг дилкаш онаси⁵.

Ялпиз ифори, булоқларнинг шаркираши, шаббоданинг майин эсиши, тонгнинг тола-тола нурлари шоира яратган “эртак”да нақадар гўзал ва фусункор тасвирланган. Бу сеҳрли эртак давом этади:

Шафақ атласидан кўйлак тикади
Энг сўнги услубда мен учун ҳаво.
Билқис сурмасидан ўғирлаб менинг
Кўзларимга суртар нури хувайдо⁶.

Шафақнинг ранго-ранг товланишини шоира атлас матога ўхшатади, ҳатто кўзга кўринмас ҳаво тикувчи тимсолида тасвирланади. “Қуръон”даги Билқис малика⁷ образига ҳам мурожаат этади шоира. “Билқис сурмаси” деган ибора чуқур маънога эга. Сабо юрти маликасининг сурмаси – кўзни илоҳий нур билан очиш, кўнгил кўзининг очилиши каби маънолар мужассам ушбу тўртликда. Тор маънода, дунёни билиш, кенг маънода Аллоҳни таниш ва Унга имон келтириш, деган фикрлар ифодаланган. Кўзга Билқис малика сурмасини суртиш нигоҳни нақадар хувайдо қилади, яъни очади ва равшанлаштиради.

Яна бир шеърда шамол кўйлак тикади. Бу гулнинг нафасидан сабо тиккан ҳарир, шойи кўйлак, уни лирик қаҳрамоннинг руҳи кияди. Номоддий, қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлмайдиган нарсаларни жонлантириб, уларга одам қиладиган ишларни бажартириш фақатгина хаёлий, эртақмонанд тасаввурлардагина содир бўлади.

Руҳим кийганида гул нафасидан
Сабо тиккан ҳарир шойи кўйлакни.

Қуйидаги сатрларни ўқиганда ҳақиқатан ҳам сеҳрли ҳодисаларга дуч келасиз:

⁴ Ҳ. Аҳмедова, “Шафақ ибодати”, Тошкент, “Академнашр”, 2011 йил, 17-бет.

⁵ Ўша асар.

⁶ Ҳ. Аҳмедова, “Шафақ ибодати”, Тошкент, “Академнашр”, 2011 йил, 17-бет.

⁷ **БИЛҚИС** — Қуръонда тилга олинган Сабо юртининг подшоҳи (маликаси). Инжилда Савро подшоси сифатида баён этилади. Қуръонда Сулаймон пайғамбарнинг улуғворлигини таърифловчи ҳикоялардан бирида келтирилишича, худҳуд куши подшога Сабо мамлакатига борганлигини ва у ерда «ҳамма нарса ато этилган» хотин ҳукмронлик қилаётганлигини, аммо бутун халқи билан шайтонга алданиб, Аллоҳга эмас, Қуёшга сиғинаётганлигини айтади. Сулаймон шу куш орқали маликага мактуб йўллаб, унга бўйсуншни буюради. Билқис ўз яқинлари билан маслаҳатлашиб, Сулаймонга катта ҳадялар юборади. Аммо Сулаймон маликанинг элчилари олдида бу ҳадялардан жирканишини айтиб, Сабо юртига қўшин тортишини эълон қилади. Сўнгра малика Сулаймон хузурига ўзи келади. Сулаймон хизматида бўлган сеҳргар ва жинлар кўз очибюмгунча, маликанинг тахтини уни олдида олиб келишади. Маликани саройга киритишганида, сарой сатҳини «сув тўлқинлари сифатида кўради ва оёқларини тўпиғигача очади». Саройнинг кадам босиладиган қисми шаффоф биллурлардан иборатлигини кўради. Аллоҳ ҳамма ишда ёрлақанган Сулаймоннинг бундам улуғворлиги далилларига шохид бўлган малика ўзининг гумроҳлигини тан олади ва Аллоҳга имон келтиради (Қуръон, «Намл» сураси, 22 — 45-оятлар).

Юлдузларнинг ипак, заррин хаёли

Ювганда чанг босган эски юракни.

Юлдузларнинг хаёли бўладими? Ипак хаёл бўладими? Заррин хаёл бўладими?. Бўлади. Шоира яратган сеҳрли оламда шундай бўлади. Бундай гўзал ва латофатли хаёллар чанг босган эски юракни ювиб тозалайди, поқлайди. Сўз санъатининг, хаёлнинг нозик ходисаларини тасаввур қилиб, завланасиз.